



«GROSS INSURANCE» МЧЖ Сурхондарё Сугурта Маркази филиали Манзил: Термиз шаҳар Б. Авлод кучаси, 12-уй, тел: +99894 209 00 35
e-mail: sugurta-markazi

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «25» апрел 2016 йилдаги СФ №00214 сонли Лицензияси

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ №46/24/20/21-2

Термиз ш.

2021 й. «26» Ноябр

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги СФ серияли 00214-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида Суғурталовчи деб аталувчи «GROSS INSURANCE» МЧЖ номидан 2021 йил «04» январдаги № 22-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Сурхондарё Сугурта Маркази филиали директори Музаффаров И.С. бир томондан ва қуйида «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи Бахтиёр Европа Строй УК номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Б. Қурбонов, бошқа томондан, биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, ушбу Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий Суғурталаш шартномасини (қуйида – Суғурта шартномаси) қуйидаги шартларда туздилар.

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу Суғурта шартномасининг предмети бўлиб қурилиш майдонида суғурта воқеалари натижасида мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) ёки шикастланиши таваккалчилигидан суғурталаш, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳисобланиб, шу муносабат билан Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномасида келтирилган шартлар ва ёки ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта товонини қуйида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини, Суғурта қилдирувчи эса суғурта мукофотини ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта объекти бўлиб қурилиш майдонидаги ва қурилиш ва монтаж предмети бўлган биналар, иншоотлар, усуналар, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етганлиги учун Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши билан боғлиқ, Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган мулкӣ манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Ушбу Суғурта шартномаси билан суғурталанган қурилиш-монтаж ишлари объекти ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

1.4. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Ариза-сўровномада ва ҳар қандай бошқа иловаларда тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотлар ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини, шкнунингдек ишончли ва ҳақиқатта тўғри келадиган маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайди.

2-БЎЛИМ. УМУМИЙ АТАМАЛАР

2.1. **Суғурта предмети** – ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда суғурта жойидаги суғуртага қабул қилинаётган мол-мулк, шунингдек Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлиги.

2.2. **Қурилишнинг шартномавий қиймати** – аввал бажарилган иш ҳажминини, шу жумладан материалларни ҳисобга олган ҳолда қуриладиган объектнинг тўлиқ ёки режалаштирилган даврда қуриладиган қисмининг қиймати.

2.3. **Суғурта пули** – ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган, суғурта объекти суғурталанган, Суғурталовчининг ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.4. **Жавобгарлик бўйича суғурта товони лимити** – қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун Суғурта қилдирувчининг жавобгарлигини суғурталаш бўйича Суғурталовчи мажбуриятларининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.5. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасида келишилган тартиб ва муддатда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.6. **Суғурта воқеаси** – суғурта ҳодисаси аломатларига эга ва суғурта муддатида содир бўлган воқеа.

2.7. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида кўрсатилган, содир бўлган воқеа бўлиб, у содир бўлиши билан Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/учинчи шахсларга суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.8. **Суғурта полиси** – Суғурталовчининг Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи, суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат.

2.9. **Суғурта шартномаси муддати** – суғурта шартномаси амалда бўладиган давр.

2.10. **Суғурта муддати** – суғурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу суғурта шартномаси билан шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.11. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пули ва суғурта товони лимити чегарасида Суғурта қилдирувчи/учинчи шахс кўрган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

2.12. **Суғурта ҳудуди** – ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш майдони жойлашган, Суғурталовчи суғурта ҳимоясини тақдим этадиган жой.

2.13. **Учинчи шахслар** – ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси натижасида ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар, шунингдек Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи билан шартномавий муносабатларда бўлмаган мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар. Суғурта қилдирувчи, унинг оила аъзолари, ходимлари, шунингдек Суғурта қилдирувчининг номидан чиқувчи жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахслар ҳисобланмайди.

2.14. **Наф олувчи** – суғурталанган мол-мулкни асралишида қонун ҳужжатлари, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган шахс.

2.15. **Бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити** – битта суғурта ҳодисаси натижасида келиб чиққан барча зарарлар бўйича Суғурталовчининг мажбурияти ҳажмининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарорига, шунингдек ушбу Суғурта шартномасининг муддатлари, шартлари ва истисноларига мувофиқ Суғурталовчи қуйидагилар учун суғурта ҳимоясини тақдим этади:

3.1.1. Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) мулкӣ манфаатларига бевосита қуйидаги гуруҳдаги таваккалчиликлардан моддий зарар етганда:

- ёнғин, яшин, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўздан-ўзи ёниш;
- ўғирлик ва учинчи шахсларнинг ёвуз ҳаракатлари;

бажарганда;

- г) Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатда тўламаганда;
- д) ушбу Суғурта шартномаси суд тарафидан ҳақиқий эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинганда;
- е) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда;
- ж) Суғурта шартномаси муддатидан аввал томонлардан бирининг ёзма аризаси асосида, бекор қилиш мўлжалланган санага қадар 15 (ўн беш) кундан кечиктирмасдан хабар қилиниши шартли билан, бекор қилиниши мумкин.

Ушбу Суғурта шартномаси муддатидан аввал бекор бўлган тақдирда суғурта мукофоти Суғурталовчининг сарф-харажатлари чегириб қолинган ҳолда суғурта муддатининг ўтмаган даври учун қайтарилади.

8-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

8.1.1. суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, шу жумладан Ариза-сўровномада кўрсатилган шартларга мос келишини текшириши;

8.1.2. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ушбу Суғурта шартномаси талабларини бажаришини текшириши;

8.1.3. суғурталанган мол-мулкни қўтқариш ва асралишида бу учун керак чоарларни кўриш ва кўрсатиш орқали иштирок этиши. Суғурталовчининг ёки унинг вакилларининг бу ҳаракатлари суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбуриятини тан олиш бўлиб ҳисобланмайди;

8.1.4. суғурта ҳодисаси қуйидагилар натижасида содир бўлса, суғурта товони тўловини рад этиши:

а) Суғурта қилдирувчининг ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахснинг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган исботланган қасддан қилган ҳаракатлари, у ўз фуқаролик бурчини адо этиши ёки суғурта қилдирувчи ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва номусини ҳимоя қилиши ҳолатлари бундан мустасно;

б) Суғурталовчига суғурта объекти, таваккалчилиги даражаси ва унинг оқибатлари ҳақида аввалдан ёлғон эканлиги маълум бўлган маълумотларни тақдим этилиши;

в) Суғурталовчини Суғурта қилдирувчи ва фойдасига суғурта тузилган шахсларга маълум бўлган таваккалчилик даражасидаги сезиларли ўзгаришлар, хатолар, камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида хабардор қилмаслиги ва суғурталовчи ёки унинг вакили зарар тавсилотлари, тавсифи ва миқдорини аниқлашда иштирок этишга қаршилиқ қилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

8.1.5. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи ёки фойдасига Суғурта шартномаси тузилган шахс зарарни олдини олиш ва қисқартириш учун оқилона чоралар кўрмаслиги билан қанчалик зарар етказилса, шу даражада суғурта товони тўловини рад этиш ҳуқуқига эга.

8.1.6. Суғурта мукофотини (ёки унинг қисмини) ушбу шартномада келишилган муддатда тўламаган тақдирда ушбу суғурта шартномасининг амал қилишини бир томонлама бекор қилиб, шу муносабат билан Суғурта шартномаси тўлов муддати тугаган пайтдан (навбатдаги тўланиши керак булган санадан) бошлаб ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор бўлади) ҳамда Суғурталовчи учун суғурта товони тўлови бўйича ҳеч қандай мажбуриятлар келтириб чиқармайди.

8.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

8.2.1. Суғурта полисини ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган муддатда бериши;

8.2.2. шикастланган мол-мулкни Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида ёзма хабарномани олгандан кейин 3 иш кўни ичида кўриқдан ўтказиши;

8.2.3. барча зарур ҳужжатларни олиб, суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тан олгандан кейин суғурта тўловини ушбу Суғурта шартномасида келишилган миқдор ва муддатда амалга ошириши;

8.2.4. ушбу Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда Суғурта қилдирувчининг сўровига кўра Суғурта қилдирувчига суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар бериши;

8.2.5. Суғурта қилдирувчидан Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда олинган ахборотни сир сақлаши, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни давлат идораларига тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлари бундан мустасно.

8.3. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

8.3.1. Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу суғурта шартномасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши;

8.3.2. Суғурталовчидан суғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар олиши;

8.3.3. Суғурта полиси йўқолган тақдирда Суғурта полисини дубликатини олиши.

8.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

8.4.1. ушбу Суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;

8.4.2. Суғурталовчини томонлар ушбу Суғурта шартномасини имзоланганларидан кейин суғурта пули, шунингдек таваккалчиликда содир бўлган ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши. Объект қийматини 10 (ўн) % ортиқ ошишига олиб келган ўзгаришлар Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш имкониятини беради.

8.4.3. Суғурта шартномасини тузишда Суғурталовчига таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлашда аҳамиятга эга ишончли ахборотни тақдим этиши.

9-БЎЛИМ. ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Суғурталовчидан сўровлар ёки талабларни кутмасдан этиши мумкин бўлган зарарни камайтириш бўйича имкони мавжуд чораларни кўриши;

б) Суғурталовчини етти календарь кунда содир бўлган ҳолат тўғрисида ёзма хабардор қилиши;

в) Суғурталовчини ушбу мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари ҳақида хабардор қилиши;

г) Суғурталовчига барча таснифлар, юк ҳужжатлари, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда суғурта ҳодисаси содир бўлиши тавсилотлари ва сабаблари ҳақида ҳукм чиқаришга имкон берувчи бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

д) зарарга тааллуқли барча хатлар, даъволар, буйруқлар ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этиши.

9.2. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси оқибатларини имкони борича Суғурталовчининг вакиллари шикастланган мол-мулкни ва воа жойини кўриқдан ўтказиб, суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз ҳаракатларини Суғурталовчи билан ёзма равишда келишгандан кейин бартараф этишга киришиши мумкин.

9.3. Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида ёзма аризасини ва суғурта товони тўлови масаласини ҳал этиш учун зарур барча ҳужжатларни олгандан кейин таркиби Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчининг вакиллари билан, зарур ҳолатларда манфаатдор шахснинг ҳисобидан мутасадди идораларнинг вакиллари билан иборат комиссия тузилади.

9.4. Суғурталовчининг вакиллари зарар тавсилотлари, тавсифи ва миқдорини аниқлаш учун суғурта ҳодисаси содир бўлган жойни ва Суғурта қилдирувчининг ва фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган шахсларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш имкониятига эга бўлиши шарт.

9.5. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида зарар тавсилоти, тавсифи ва миқдори юзасидан келишмовчилик келиб чиқса, масала эксперт комиссияси тарафидан ҳал этилади. Ҳар бир томон ўз экспертини тайинлайди ва бу ҳақда бошқа томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизмат ҳақини тўлайди.

Бу ҳоқда келишмовчиларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича томонларнинг ҳуқуқларини чекламайди.

9.6. Суғурталовчининг ёзма розилигисиз Суғурта қилдирувчи ва унинг номидан ҳеч ким ён босиш, тақлифлар, ваъдалар бериш, тўловларни амалга ошириш мажбуриятини қабул қилиш ёки жавобгарликни тан олиш ҳуқуқига эга эмас.

9.7. Ушбу воқеага тааллуқли барча тавсилотлар ўрганилгандан кейин Суғурталовчи тарафидан юзага келган зарарни суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

9.8. Суғурталовчининг суғурта товонини рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

10-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

10.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун тоvon пули, суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматидан қайси бирининг миқдори камроқ бўлса, ўша миқдор билан чекланади.

10.2. Зарарланган мол-мулкни таъмирлаш харажатлари суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги унинг ҳақиқий қийматидан ёки алмаштириш қийматидан ошса, у нобуд бўлган ҳисобланади.

10.3. Суғурталовчи, агар зарар ушбу Суғурта шартномаси шартларига биноан қопланиши керак бўлса, уни олдини олиш ва камайтириш харажатларини қоплайди.

10.4. Мол-мулк шикастланган тақдирда Суғурталовчи таъмирлаш харажатларини уни бевосита суғурта ҳодисасидан аввалги ҳолатига келтириш харажатларини қоплайди.

10.5. Битта суғурта ҳодисасидан келиб чиққан барча зарарлар бўйича тоvon миқдори, шу жумладан зарарни олдини олиш ва камайтириш харажатлари ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида белгиланган тегишли суғурта товони лимитларидан ошиши мумкин эмас.

10.6. Суғурталовчи суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш бўйича оқилона харажатларни суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда қоплайди.

10.7. Зарар етказганликда айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

10.8. Агар зарар қисман ёки тегишли суғурта товонидан кам қопланган бўлса, суғурта товони Суғурта қилдирувчи зарар етказилганлиги учун жавобгар шахсдан олинган пулни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

10.9. Суғурта қилдирувчининг ушбу Суғурта шартномасининг 3.1.2-бандига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини суғурталанган бўлса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони даъвои кўриб чиқиш жараёнида белгиланган зарар миқдоридан, лекин ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган суғурта товони лимитидан ошмаган миқдорда тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисасидан фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган бир нечта ўчинчи шахсга зарар етса, тоvonнинг умумий миқдори ушбу шахслар ўртасида ҳар бир шахснинг зарари умумий зарар миқдорига бўлган нисбатда мутаносиб тақсимланади.

10.10. Суғурта товони суғурта ҳодисаси тан олиниб, комиссия зарар ва тўланиши керак бўлган суғурта товони миқдорини белгилувчи далолатнома 5 (беш) банк куни ичида тўланиши шарт.

11-БЎЛИБ. СУБРОГАЦИЯ

11.1. Суғурта товони тўлангандан кейин (тўланган маблағ чегарасида) Суғурта қилдирувчи ёки фойдасига ушбу суғурта шартномаси тузилган шахснинг зарар етказилганлигида айбдор шахслардан зарар ўрнини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтади.

Суғурта қилдирувчи айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун Суғурталовчига зарур барча ҳужжатлари тақдим этиши ва барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

12-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Суғурта товонини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини кечиктирилганлиги учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,15% миқдорда, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10% дан ошмаган миқдорда неустойка тўлайди. Неустойка тўлови Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида юзага келса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч шарт-шароити таъсирида бўлган тоmon бошқа тоmonни дарҳол бундан шарт-шароит юзага келганлиги ва қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

13-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган масалалар юзасидан баҳслар (низолар), талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда тоmonлар уларни музокара орқали ҳал этадилар.

13.2. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиққан ёки у билан боғлиқ баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал этишининг имкони бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

14-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Ушбу Суғурта шартномасига барча қўшимчалар ва ўзгаришлар тоmonларнинг розилиги билан ёзма шаклда киритилади.

14.2. Томонларнинг ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

14.3. Ушбу Суғурта шартномаси ҳар бир тоmonда бир нусхадан сақланувчи ва бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилди.

15-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

«GROSS INSURANCE» МЧЖ

Сурхондарё Суғурта Маркази филиали

Манзил: Термиз ш., Б.Авлод кучаси, 12- уй

тел.: +99894 209 00 35

х/р: 2020 8000 2049 4415 7224

АТ "Алокабанк" Сурхондарё филиали

Банк коди: 00401, СТИР: 207 135 501

ИФУТ: 66220

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

Бахтиёр Евро Строй ХК

Манзил: Термиз ш. Анжирлик маж

Тел: 97 352 36-36

х/р: 20208000100778225001

Беш тоғ кўчаси баҳ

МФБ: 00336

ИНН: 304 793 768

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН:

Филиал директори

Музрапов И.С.

м.ў.

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:



2021 й. «26» Ноябр даги

46/24/20/01-3-сонли

Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини

суғурталаш шартномасининг

1-иловаси

СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Суғурта қилдирувчининг номи ва манзили:	<u>Бахтиёр Евро Строй ХК</u>
Пудратчи ёки суб пудратчи(лар)нинг номи:	<u>Термиш Т. Дилшариф</u> Қурилиш майдони жойлашган манзил (суғурта ҳудуди): <u>Шерабод Ш.Суд Биносида</u> <u>Фуқароликнинг қабул қилини</u> <u>Кокасики Барпо этиши</u>
Қурилишнинг шартномавий қиймати:	
Наф олувчи:	

№	Суғурта предмети
1.1.	Қурилиш ишлари (яқуний ва дастлабки, шу жумладан бунда фойдаланиладиган барча материаллар):
1.2.	Қурилиш материаллари, усқуналар, машиналар, техника, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқалар
1.3.	Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари
1.4.	Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги

2.	Жами суғурта пули, шу жумладан:	<u>299 355 949 сўм</u>
		(қурилайётган объект қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда)
2.1.	Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги бўйича суғурта товони лимити	
2.2.	Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари	суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда

3.	бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити	
----	---	--

4.	СУГУРТА МУКОФОТИ	<u>200 000 (икки юз минг)</u>
4.1.	Суғурта мукофотини тўлаш муддати	Суғурта шартномаси имзолангандан кейин 30 (ун) иш куни ичида
4.2.	Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси	Сўм

5.	Суғурта шартномаси амал қилиш муддати	20 <u>21</u> йил « <u>26</u> » <u>Ноябр</u> дан 20 <u>21</u> йил « <u>26</u> » <u>Декабр</u> гача
6.	Суғурта муддати	Суғурта полисида кўрсатилганидек.

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН
Музрапов И.С.
М.У.

СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ
Б.Хуррамов